

япониялы, ираклы, кипрлы, швециялы изертлеушілер де каракалпак фольклорын изертлеу, халық тарихын үйреніуге кең кеуіл аудармақта.

Жуўмақлап айтқанда, сырт ел алымларының каракалпак фольклорына, соның ишінде эпосларына болған интенсив рәуиштегі бул қызығыушылықлары өз

гезегінде каракалпак халқының бай қәдириятларға ийе екенлигиниң, соның дүньяда тән алынғанлығының хәм тарихының мың-мың жыллықларға ушласатуғынлығының, миллет руўхының мәңги жасайтуғынлығы, улығлана беретуғынлығының нышаны.

Әдебиятлар

1. Бийсенова М.С «Қырық қыз» дәстаны-каракалпак халқының төл туўындысы. // «Туркология», –Түркстан: №3 (53).
2. Karakalpak Destanlari. KIRK KIZ DESTANI. Hazirlayan Doc.Dr Ceyhun Vedat Vycur. – Ankara: 2007.
3. «Қырық қыз» - Каракалпак халқының қахарманлық дәстаны» тақырыбындағы халықаралық онлайн конференция бағдарламасы. – Нұрсұлтан: 2021.
4. «Қырық қыз» хәм түркий тиллес халықлар фольклорының изертлениу мәселелери» деген атамада халықаралық илимий-теориялық конференция материаллары. – Нөкис: «Қаракалпақстан», 1997.
5. Мамедов Н. Некоторые замечания о переводах дастана «Қырық қыз» на другие языки. / «Халық аўызеки дөре-тиўшилиги миллий хәм улыўма инсаныйлық қәдириятлар системасында» халықаралық илимий конференция материаллары. 26-27-ноябрь 2015-жыл. –Нөкис: «Илим», 2015. 32-34-б.
6. Мамедова Ш.Н. Роль К.Максотова в изучении проблем каракалпакский фольклористики. / «Халық аўызеки дөре-тиўшилиги миллий хәм улыўма инсаныйлық қәдириятлар системасында» халықаралық илимий конференция материаллары. 34-35-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада чет эл олимларининг 1997-2005-йилларда қаракалпак эпосларини ўрганиш бўйича Нукуста ўтказилган халқаро конференциялардаги илмий баёотлари кенг таҳлил қилинади. Шунингдек, ушбу илмий назарий конференциялар қаракалпак эпосларини чет элларда тарғиб қилишда катта амалий аҳамияти ҳақида ишончли ҳулосалар қилинади.

РЕЗЮМЕ

В статье представлен подробный анализ научных выступлений зарубежных ученых на международных конференциях по изучению каракалпакского эпоса в Нукусе в 1997-2005 гг. Также на этих научно-теоретических конференциях делаются убедительные выводы о большом практическом значении популяризации каракалпакских эпосов за рубежом.

SUMMARY

The article provides a detailed analysis of the scientific statements of foreign scholars at the international conferences on the study of Karakalpak epics in Nukus in 1997-2005. Also, these scientific theoretical conferences draw convincing conclusions about the great practical importance of promoting Karakalpak epics abroad.

ҚАДИМГИ ТҮРКИЙ ХАЛҚЛАР МИФО-ЭПИК ТАСАВВУРЛАРИДА ҲИМОЯ ТОТЕМЛАРИ ТАВСИФИ

Э.Алимкулов – таянч докторант
Ўзбекистон халқаро Ислом академияси

Таянч сўзлар: маданият, тотемистик, диний эътикод, ислом дини, қадимий эътикодий рамзлар.

Ключевые слова: культура, тотемистический, религиозное верование, исламская религия, древние религиозные символы.

Key words: culture, totemistic, religious belief, Islamic religion, ancient religious symbols.

Асрлар оша Марказий Осиёда кўчманчи-дашт маданияти асосида яшаб келган туркий халқлар турмушида ҳайвон ва қушларнинг ўрни бекиёс бўлган. Одатда кўчманчи жамиятлар ўз ҳаёт табиати туфайли меъморчиликда эмас, кўпроқ қўл ҳунармандчилиги соҳаларида турли кўринишдаги санъат асарлари яратилган. Кигиз, зардўзлик, ҳунармандчилик, чоравачилик ва тўқимачилик намуналари Марказий Осиё халқлари маданиятининг ўзига хос маҳсулотларидан ҳисобланади. Бу халқлар ҳаётида тотемистик кўринишдаги диний эътиқодлар мустаҳкам ўрин эгаллаб, уларнинг тасаввурларида бу тотемлар “ҳимоячи” ёки “қўриқловчи” вазифасини бажарган.

Тадқиқот жараёнида таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, турли тотем-ҳайвонлар муайян юлдузлар ва сайёралар туркумлари билан боғланган ва натижада ҳар бир муҳитнинг ўзига хос рамзи ҳосил бўлган. Бунга Авестодаги Сенмурв қушини мисол тариқасида келтириш мумкин. Ҳиндуйликнинг муқаддас китоби бўлган Ригведада мазкур қуш ерга ҳалоскор Сомани олиб туширгани зикр этилган. Сенмурв қушининг танаси ўзида ҳайвон-қуш-илон шаклида тасвирланиб, бу ер-осмон-сув унсурларининг бирлашган рамзини англатган. Ҳусусан, Сенмурв Самарқанднинг деворий суратларида ит бошли, қуш канотли ва балиқ думи каби тангали этиб тасвирланган. Шу билан бирга, Қашқадарёнинг қадимги Фазли обидасидаги сопол идишда, ҳозирда Киев музейида сақланаётган Самарқанддан топилган Сенмурвнинг

сопол тасвири ҳамда Россия музейларидан бирида яхши ҳолатда сақланган сенмурв рамзи.

Минтака халқлари орасида Сенмурв рамзини оламнинг яратилиши тотеми сифатида Ҳаёт дарахти билан боғлиқ асотирларда учратиш мумкин. Бунга ўрта асрларга оид бўлган Октепа медальон-туморида тасвирланган тинчлик ва фаровонликнинг рамзий маъносини ўзида мужассамлаштирган Сенмурв тасвирини мисол қилиб келтириш мумкин. Тадқиқотчилар ислом дини ривожланган даврлардан бошлаб Сенмурв ўрнини Семурғ эгаллаб, у мевалари ғарқ пишган дарахт устида ўтирган ҳолатда тасвирланади. Мўғуллар истилосидан сўнг диёримиз Семурғи Шарқдан келтирилган дарахт устидаги Феникс қуши (фын, фын-хуан) билан уйғунлаштирилган.

Тотемнинг ҳимоячи вазифаси турли халқларда қаҳрамонларнинг осмонга катта қуш устида кўтарилиши ҳақидаги афсоналарда ифодаланади. Бу каби рамзлар Авестода Кобус ўз тахтини кўтарган бургутлар ёрдамида самога парвоз этиши, “Шоҳнома”да эса бургутлар устида ўтирган Кайковус парвози, шунингдек, XI-XII асрларга тегишли бўлган Самарқанднинг бронза сандиқчаси ва XV асрга оид Самарқанд миниатюрасида акс эттирилган Золни самога кўтариб кетаётган Семурғ тасвирида намоён бўлади.

В.Шишкин ўз тадқиқотларида, Варахшанинг Шимолий залидаги қисман сақланган суратдаги дарахт тепасида ўтириб, қуш патлари билан ўралган аёл

расмини аёл-куш деб атайди. Семурғ Хаёт дарахтидан ерга фаровонлик ва тинчлик уруғларини сочгани боис, мазкур тасвирадаги кушни “Хумо” куши ёки “Семурғ” деб тахмин қилиш мумкин.

Қадимги Миср цивилизациясида ушбу сиймога алоҳида эътибор кўрсатилган. Бу рамз пирамидадаги матнларда инсон руҳидан кўтарилаётгандаги ҳолатида “Бау” деб аталиб, ўз манзилига етиб боргач, унинг киёфасида ўзгариш кузатилиб, ёрқин “эху”ни ифодалаган. Бу тимсол Осирис (Куёш) маъбудининг руҳи ҳисобланган. Миср маданиятига параллаел равишда қадимги Ҳинд цивилизациясида ҳам бу рамзга алоҳида эътибор қаратилган. Қадимги Ҳинд афсоналарида бу сиймо самовий мусикачи сифатида Киннара номи билан машҳур бўлиб, муҳр ва тангаларда турмуш ўртоғи Киннари билан бирга тасвирланган. Хитойнинг антик маданиятида бу тимсол Кўч масканидаги Будда ғорларида, Марказий Осиёда эса бу сиймо Хумо кушида ўз ифодасини топган [1:176].

Бактрия давлатига тегишли Жаркўтондан топилган идишда аҳоли томонидан кундалик урф-одатларда фойдаланиладиган хумдаги куш сурати тасвирланган. Фарғонанинг XI-XII асрларга оид мис лаганидаги нақшларда Хумо аёл-куш кўринишида, ҳозирги кунимизгача етиб келган Самарқанд носкадуларида Хумо куши от, Куёш ва юлдузлар билан бирга тасвирланган. Хумо кушининг сояси тушган инсон “хумоюн” деб номланади ва бахту-саодатга эришиб, шоҳона ҳаёт кечиради, дейди В.Шишкин ўз изланишларида [2:40].

Тадқиқотларда Хумо куши билан боғлиқ афсоналар таҳлил қилинган. Афсоналарга кўра, Хумо куши уни илондан қутқарган халоскорига узум токи уруғини келтиради ва ундан май яратилади. Ердаги ҳаётни таъминлаш, табиатни янгилашни, деҳқончилик ва ҳосилдорлик унумдорлигининг уруғини Хаёт дарахтидан келтириб берувчи Семурғ куши билан боғланади [3:206].

Турли асосир ва эътиқод буюмлари намуналарида барча қанотли мавжудотлар илоҳий сифатларга эга бўлиб, икки тимсолни синкретлашуви натижасида вужудга келган янги бир образ гавдаланади. Жумладан, одам-куш қаторига сирин - одам бошли куш ва фаришта (гений) - куш қанотли одам тасвирларини келтириш мумкин. Мусулмон мамлакатларида думи ранг-баранг товланувчи аёл-куш Хаёт дарахтини кўриқлаётган кўринишда жуда жим-жимадор қилиб ифодаланган. Бу каби рамзлар X-XII асрларга тегишли Самарқанд бронза патнислари ва хумларида, Самарқанднинг VI-VIII асрларга оид оссуарийсида ҳамда VIII-X асрларга доир сопол буюмларида ўз аксини топган.

Одамларни кўтариб учаётган ҳимоячи кушлар тасвирдан бошқа, одам-шер, одам-йўлбарс, одам-бўри ва шунга ўхшаш шакллардаги сфинкс деб аталган рамзлар мавжуд. Мазкур шаклдаги рамзлар қадимги Миср маданияти, ўрта асрларда мусулмон дунёси ва Европа мамлакатларида кўриниш берган. Миср сфинкси - шер танали, эркак бошли, юнон сфинкси эса аёл бошли ва кўкракли ва қанотли жонзот сифатида тасвирланган. Қадимги Марказий Осиё афсоналари ва эътиқодларида эркак ва аёл кўринишидаги сфинкслар мавжуд бўлиб, дастлаб Холчаён саройидаги деворий расмларда шер танали сфинкс, вақтлар ўтиши сайин кейинчалик XII-XIII асрларда Самарқанд ва Фарғона минтақаларида аёл-сфинкс тимсоли гавдаланади. Бу каби аёл-хайвон шаклидаги рамзлар худди аёл-куш сингари афсунгарлик маъносини англатади.

Сфинкснинг кичик чинни хайкалчалари марҳум билан қабрга ҳам қўйилиб, Қадимги Мисрда улар кўриқчи ва ёмон кучлардан сақловчи вазифасини ўтаган.

Сфинксни ҳимоячи вазифасини ўташи бизнинг минтақамизда ҳам кузатилган. Мисол тариқасида Самарқанднинг VI-VIII асрларга оид сфинкснинг сопол хайкалчаси ва Амударё хазинаси буюмлари орасидаги тилла нишонадаги сфинкс тасвирини келтириш мумкин.

Минтақага хос бўлган қалъалар пештоқини аррасимон қилиб безаш одати айнан ушбу сфинксни бошидаги тожини рамзий ифодаси сифатида кўрилган. Зеро, бу каби тожли маъбудалар шаҳар ҳомийси сифатида эътиқод қилинган.

Бу рамзлардан асосан ёмонликдан сақловчи ва фаровонлик келтирувчи тумор сифатида фойдаланилган. Қадимги Термиздан топилган XI-XII асрларга тегишли бўлган бронза патнисга ҳамда бронза ойнасига битилган ёзувларда ҳам эгасига куч-қудрат, тинчлик ва бойлик сўраётган сфинкс тасвири акс эттирилган.

Сфинкс думларининг учларида Ой ва Куёш рамзлари туширилган бўлиб, бу юлдузларнинг жойлашуви ойна эгасига бахт ва омад келтиришини англатган. Шунинг учун ҳам ушбу эътиқод мусулмон санъатида кўп асрлардан бери муомалада бўлиб келган.

Офиолатрия (қадимги юнонча ofis - илон ва latreia - сиғиниш) - илонга сиғиниш эътиқоди ибтидоий ва қадимги элатларга хос бўлиб, қадимги дунё динларида илон дунёнинг яратилиши жараёнида ёруғлик ва яхшилик рамзи бўлиб, хтоник - нариги, ер ости дунёсининг рамзи сифатида турли илоҳлар фетиши ҳисобланган [4:468]. Бу борада Далварзинтепада тасвирланган илоҳа ёнидаги қоҳинанинг қўлидаги илон шаклидаги билагузук хтоник элемент сифатида рамзий маъно касб этади. Тошкент тарих музейидаги оссуарийда марҳумни қўлидан ушлаб илоҳлар ҳукмига етаклаб кетаётган илоҳа тасвири ҳам унинг хтоник моҳиятига ишора этади. Илоннинг кўрғошиндан ишланган танаси Ерқўрғондан топилиб, Сўғд шаҳристонларидан биридаги деворий расмда илоҳа аждархо устида турибди, бош кийимида чўтир илон ўрнашган, ёнида эса, кўриқчиси - қанотли бўри тасвирланган [5:123].

Умуман, илон ҳам, аждархо сингари, сув илоҳасининг ҳамроҳи бўлиб, унинг энг муҳим вазифаси ер ҳосилдорлигини таъминлаш бўлган. Илон ҳосилдорлик рамзи сифатида эркакка хос яратувчанлик моҳияти билан боғлиқ бўлган.

Шош воҳасига тегишли Қовунчи маданиятига мансуб жомда ҳам ингичка илон тасвири топилгани эҳтимол, олов эътиқоди билан ҳам боғлиқ бўлган бўлиши мумкин, чунки айрим оташгоҳлар тағламасининг икки томонида илон тасвири бор. Бунга қиёсий мисол - Бухоро воҳасининг Қизилқирида IV-V асрларга мансуб шундай тағлама топилган [3:280].

Оролбўйи Еттиосор маданиятига хос сопол буюмларда ҳам илонларнинг ёпиштирилган тасвирлари кўплаб учраши хионитларнинг ҳукмронлик даврига мос келиб, Сирдарёбўйи қабилалари Сўғд ва Хоразм воҳаларига сингиб ўтади ва Бактрия ҳамда Фарғонага сезиларли таъсир ўтказди. “Нахшаб маданиятида Еттиосор маданияти таъсири устувор турса, Кеш, Самарқанд ва Бухоро моддий маданиятида Қовунчи маданиятининг таъсири кўпроқ сезилади”.

Масалан, Бактрия таркибидаги ҳозирги Сурхондарёнинг миллоддан аввалги VIII-VII асрларга оид сопол идиши синиғида илон тасвирланиб, бу анъана сақланиб қолади ва орадан салкам икки минг йил ўтгач, IX-XI асрларда бир қозонда айнан ўша ҳолатда қайтарилади.

Фарғонанинг Сўх туманидан топилган миллоддан аввалги III мингйилликка тегишли иккита илон шаклидаги қора хризолит (олтин яшил рангли

кимматбаҳо тош)дан ишланган тумор эса, юртимизда энг қадимги тошдаги илон рамзи ҳисобланади.

Александр Македонский босқинидан кейин минтақамизда эллинизм таъсирида сув эътиқодида тритонлар – одам-илон тотемининг рамзий тасвири пайдо бўлиб, бунга Панжикент девор расмлари мисол бўла олади: шаҳар ҳомийси бўлган сув илоҳаси тритонлар қуршовида тасвирланиб, тахмин бўйича, улар дарё рамзи бўлган.

Қадим Юнон ва Ҳиндистон санъатида тритон намуналари кўплаб учраб, Миср илоҳларидан Изида ва Серапис илон оёқли сиймо тарзида тасвирланган. Тритон сиймоси Кушон санъатида ҳам кенг тарқалган бўлиб, Сўғда унинг сополдаги ўймақори тасвири бор. Одам-балиқ сиймоси ҳам ана шулар сирасига киради.

Адабиётлар

1. Матье М.Э. Древнеегипетские мифы. - Л.: 1956. -С. 176.
2. Шишкин В.А. Варахша. - М.: 1963. -С. 250.
3. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. – Ташкент: 2000. -С. 520.
4. Иванов В.В. Змей // МНМ.Т. 1. -М.: 1963. -С. 470.
5. Беленицкий А.М., Маршак Б.И. Настенные росписи, открытые в Пянджикенте в 1971 г. // Сообщения Государственного Эрмитажа. XXXVII. - Л.: 1973.
6. Мухамеджанов Р.А. и др. Культура Древнебухарского оазиса III-IV вв. – Ташкент: 1983.
7. Беленицкий А.М. Новые памятники искусства древнего Пянджикента. Опыт иконографического истолкования // Скульптура и живопись древнего Пянджикента. - М.: 1959. – С. 246.
8. Ремпель Л.И. Цепь времен: вековые образы и бродячие сюжеты в традиционном искусстве Средней Азии. – Ташкент: Издательство литературы и искусства им. Гафура Гуляма, 1987. – С. 192.

Мазкур мақолада қадимги туркий халқлар мифо-эпик тасаввурларида ҳимоя тотемлари тавсифи доирасида ифодаланиши таҳлил қилинган. Турли тотем-ҳайвонлар муайян юлдузлар ва сайёралар туркумлари билан боғланганлиги ва натижада ҳар бир муҳитнинг ўзига хос рамзи ҳосил бўлганлиги таҳлил қилинган. Қадимий эътиқодий рамзлар асрлар ва динлар узра ўзининг сирли моҳиятини сақлаб қилиши ва улкан халқ оммаларининг улкан масофаларда силжиши жараёнида ўз изини қолдириганлигини аниқлаш мақоланинг моҳияти саналади.

РЕЗЮМЕ

РЕЗЮМЕ

В статье анализируется проявление защитных тотемов в мифо-эпических представлениях древнетюркских народов. Было проанализировано, что разные тотемные животные связаны с определенными созвездиями звезд и планет, что приводит к формированию уникального символа для каждой среды. Суть статьи заключается в том, чтобы определить, сохранили ли древние религиозные символы свою загадочную природу на протяжении веков и религий и наложили ли свой отпечаток на процесс передвижения огромных масс людей на большие расстояния.

SUMMARY

This article analyzes the expression of protective totems in the mytho-epic imaginations of the ancient Turkic peoples. It has been analyzed that different totem animals are associated with certain constellations of stars and planets, resulting in the formation of a unique symbol for each environment. The essence of the article is to determine whether the ancient religious symbols have retained their mysterious nature over the centuries and religions, and have left their mark on the process of movement of huge masses of people over great distances.

TÜRKİY XALÍQLAR ÁDEBIYATTANÍW ILIMINDE HAYAL-QÍZLAR DÓRETIWSHILIGINÍ IZERTLENIWI

X.R.Aliyeva - tayanish doktorant

Berdaq atındaǵı Qaraqalpaq mámleketlik universiteti

Tayanch so'zlar: ádebiyatshunoslik, lirika, xotin-qizlar ijodi, lirik qahromon, xotin-qizlar lirikasi va b.

Ключевые слова: литература, тексты песен, творчество, женское творчество, лирика главного героя, женские тексты и т.д.

Key words: literature, lyrics, creativity, female creativity, lyrics of the protagonist, female lyrics, etc.

Ádebiy processte dórelip atırǵan har qanday kórkem shıǵarma dóretiwshiniń átiraptaǵı waqıyalardıǵa bolǵan kewil keshirmelerinen, debdiwlerinen, tuyǵılarınan sáwlelendiredi. Jazıwshı yamasa shayır tárepinen dóretilgen kórkem shıǵarmada avtorıń yamasa lirikalıq qaharmannıń kóz qaraları sezilip turadı. Ásirese, kórkem shıǵarmada dóretiwshisi hayal-qızlar bolǵan shıǵarmalarda dóretiwshiniń poziciyası ayırıqsha kózge taslanadı. Sóz etilip atırǵan waqıya, hádiyselerge dóretiwshi hayallıq kózqarastan, analıq mehir menen, gózzallıq shaydası sıpatında qatnas jasaydı. Mine, usınday etip, ádebiy processte túrli dáwirlerde hayal-qızlar tárepinen dóretilip atırǵan kórkem shıǵarmaların ózgeshelikleri ádebiyattanıw iliminde óz bahasını aladı. Biz bul maqalamızda túrkiy xalıqlar ádebiyattanıw iliminde hayal-qızlar dóretiwshiligin izertleniw máselesin úyrenemiz.

Tájik ádebiyatında 2017-jıl Dushanbe qalasında N.A.Shoevanıń «Zamanagóy tájik jazıwshılarında hayal emancipaciyası máselesi» [35] temasında dissertaciya jumısı islendi. Jumısta tájik ádebiyatındaǵı hayal obrazı máselesi izertleniledi. Jáne de tájik ádebiyattanıwshı alımı Yusuf Akbarovtıń «Qismati inson qismati she'r» (Dushanbe, Donish.1980, b-194.) miynetinde de tájik ádebiyatındaǵı dóretiwshilerge toqtaladı. Tájik ádebiyatında payda bolıp atırǵan jańa formalar, qosıq ólshemleri, olardıń avtorları hám stillik ózgeshelikleri máselesi de ayıladı.

Xazratquliyon Dilshoday Farxodzod tárepinen «Farzona sheriyaatining poetikasi» [30] atamasında jazılǵan dissertaciyalıq jumısta Farzona poeziyasınıń ideyalıq-kórkemlik ózgeshelikleri, dástúriy hám jańa formalar, aq qosıqlardıń shayır poeziyasındaǵı ornı, qosıq ólshemleriniń ózgeshelikleri máselesi qarastırıladi.